



Бунёдкорлик

## ТОҒЛАРГА ЧИҚҚАНЛАР КЎНГЛИ ТОҒДЕК ЮКСАЛАР

### Бўстонлик туманида «Севарсой» санаторийси фойдаланишга топширилди



Сўнги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш мақсадида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўларканмиз, буюк бобомиз Абу Али ибн Синонинг «Инсон дардига дармон бўлмоқ олижанобликнинг энг юксак намунаси» деган сўзлари ёдга тушаверади.

Дарҳақиқат, айна кезларда халқимизнинг соғлом ҳаёт кечириши ва ўртача умр кўриши давомийлигини узайтириш тиббиётнинг бирламчи вазифасига айланди. Бу борадаги ишларнинг самараси жойларда яққол кўзга ташланмоқда. Эътиборли жиҳати, бунда Ўзбекистон касаб

уюшмалари Федерациясининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Ташкилот ишчи-ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг ва оила аъзоларининг соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб хайрли ишларга қўл урмоқда. Жумладан, 2017-2022 йиллар давомида Сурхондарё

вилоятида «Термиз марвариди», «Хўжа-ипок», Сирдарё вилоятида «Янгиер», Самарқанд вилоятида «Абу Али ибн Сино», Тошкент шаҳрида «Чинобод Плаза», Тошкент вилоятида «Кўхинур», «Заркент» санаторийлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жиззах ва Тошкент вилоятларидаги

«Зомин», «Оқтош-шабада», «Оқтош», «Бўстон» санаторийларида қўшимча равишда замонавий ётоқ ҳамда даволаш бўлимлари барпо этилди. Федерация тасарруфидagi Даволаш-профилактика марказида янги даволаш корпуси ишга туширилди.

>>> 3

### КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...



#### ФРИЛАНСИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

Улар орқали қандай қилиб пул топиш ва бойиш мумкин?



#### КАФИЛ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ ВА ХАВФИ



#### ЭС-ҲУШ БЎЛМАСА, МАЖЛИС ҚИЛИНГ!

Ота ва Ўғил  
суҳбати асосида

## МЕНИНГ БАЙРОҒИМ – МЕНИНГ ФАХРИМ

Мусобақа

Пойтахтимиздаги «HUMO ARENA» спорт мажмуаси. Ташриф буюрувчиларнинг сон-саногии йўқ. Талаба ёшлар, спортчилар, ҳарбийлар, имконияти чекланганлар, ҳатто, кексалар-да бисёр. Уларни бир мақсад, бир шиор жамулжам қилмоқда: «Бир ватанда, бир вақтда, бир масофага, бир мақсадда – бирга югурамиз».



Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Ватанимиз тиссоли бўлган байроқнинг аҳамиятига тўхталишди. Мамлакатимизда спортга катта эътибор берилганлигини, ушбу мусобақадан кўзланган мақсад ҳам

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг ёйиш, йилдан йилга оммавийлашиб бораётган саломатлик тадбирларини янада юксак поғоналарга кўтариш эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Ниҳоят ҳаяжонли лаҳзалар етиб келди. Байроқ рангларида, яъни мовий, қизил, оқ, яшил кийимдаги иштирокчилар, улар сафида 1200 нафарга яқин касаб уюшма вакиллари ҳам финиш чизиғига саф тортди. Масофа 3 кило-

метр. Югуришга рухсат берилди. Санокли дақиқалардан сўнг энг чаққон иштирокчилар марра чизиғини кесиб ўтишди. Ғолибликни қўлга киритганлар муносиб тақдирланди.

– Спорт билан мунтазам шуғулланаман. Югуриш эса жону дилим, – дейди Темирийўлчилар ва транспорт курувчилари касаб уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Маҳмуд Розиметов. – Юртдошларимиз, айниқса, ёшлар қалбида юрт байроғига ҳурмат, ватанпарварлик туйғулларини янада мустаҳкамлаган бугунги мусобақага зўр қизиқиш билан қатнашдим. Ғолиблар сафидан жой олиб, касаб уюшмаларининг мукофотини қўлга киритганим эса спортга бўлган иштиёқимни янада оширди.

Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан уюштирилган бу каби мусобақалар мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида ҳам ўтказилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ  
«ISHONCH»



### Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев одил судловни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ййғилиш ўтказди

«ТУРКСОЙ тузилмаси ва фаолият кўрсатиш принциплари тўғрисидаги шартномани (Олмаота, 1993 йил 12 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун Президент томонидан имзоланди.

Президент фармойиши билан Саида Шавкатовна Мирзиёева Президент администратсияси ижро этувчи аппаратининг Коммуникациялар ва ахборот сис-таси бўйича шўба мудри лавозимига тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбат-даги мажлиси бўлиб ўтди.

Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти ва Рон Ван Роден бошчилигидаги Халқаро валюта жамғармаси делегацияси ўртасида учрашув ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги Халқаро Конгресс марказида Кичик ёшдаги болаларни парвариш қилиш ва таълим бериш бўйича II Бутунжаҳон конференцияси ўз ишини бошлади. Конференция доирасида Халқ таълими вазири Бахтиёр Саидов Озарбайжон фан ва таълим вазири Эмин Амруллаев билан учрашди.

14 ноябрь куни Иорданияда ўтказилган қитъа чемпионатида қатнашган боксчиларимиз Ислам Каримов номидagi Тошкент халқаро аэропортида соҳа мутасаддилари, спортчиларнинг яқинлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ишти-рокида байрамона кутиб олинди.



Учрашув

## Кластерлар даврасида

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси ҳамкорлигида меҳнат жамоаларида касба уюшмаларининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида 134 та пахта-тўқимачилик кластерлари иштирокида учрашув ташкил этилди.

Учрашувда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ҳақ-ҳуқуқлари, моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмасининг асосий вазифаларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Кластерларда олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликлар тилга олиб ўтилди. Бу, айниқса, баъзи бир кластерларда ханузгача ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратилмаганини кўзга ташланмоқда. Учрашувда Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси ўртасида

2022-2024 йиллар учун имзоланган тармоқ келишувиде белгиланган вазифалар кўриб чиқилиб, келгусида ушбу тармоқ келишувини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилди.

Кластерлар томонидан бугунги кунда ечимини қутаётган масалалар ўртага ташланди ва уларнинг ечими бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Шоҳида БЕГИМҚУЛОВА,**  
Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси



## Рағбат – янгидан-янги марраларга чорлайди

Касба уюшмасига аъзо ташкилотларда бошқалардан фарқи равишда ходимлар манфаати ҳимоя қилинади. Бундан ташқари, ташкил этилган турли тадбирлар натижасида ижтимоий-маънавий муҳит яхшиланади.

11 ноябрь – Касба уюшмалари куни муносабати билан Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Меҳнати қадрланган юрт» деб номланган байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирда тегишли вазирлик ва идора вакиллари, шунингдек, илм-фан соҳасида самарали фаолият кўрсатаётган фидойи ходимлар иштирок этди.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедиллов тадбир иштирокчиларини байрам билан қутлаб, барча ишларига омад ва зафарлар тилади.

Шундан сўнг, ўтказиб келинаётган меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш бўйича республика кўрик-танловининг «Энг яхши корхона», «Энг яхши

касба уюшма кўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» ҳамда «Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинациялари ғолиблари тақдирланди.

Тизимдаги ташкилотларда ўтказилган «Электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич касба уюшмаси ташкилоти» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари ҳам айнан шу тадбир асноси муносиб тақдирланди.

Шунингдек, байрамда халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Усмон Шарифходжаев таълим тизимида самарали меҳнат қилаётган 22 нафар устозга «Халқ таълими аълочилиги», «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишонларини тақдим этди. Улардан 10 нафари мактабда ўқитувчилик билан бир қаторда, касба уюшмаси фаолиятини ҳам самарали олиб бораётган педагоглардир.

Тадбир якунида меҳмонлар бир пиёла чойга таклиф қилинди.

**Зебо НАМОЗОВА**  
«ISHONCH»



Жиззах вилояти

Акция

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ – БОЛАЛАРГА

Жиззах вилояти болалар сил касалликлари шифохонасида уюштирилган «Касба уюшмалари – болаларга» акцияси доирасида муассасада даволанаётган болалар ҳолидан хабар олинди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши мутахассислари томонидан тиббиёт ходимлари билан маданий-маърифий учрашув ўтказилиб, меҳнат муҳофазаси бўйича тушунтиришлар берилди. Шунингдек, болаларга спорт жихозлари, мил-

лий мусиқа асбоблари, ўқув қуроллари ва бадий адабиётлар жамланмаси ҳомийлик ёрдами сифатида топширилди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**  
«ISHONCH»



Қорақалпоғистон Республикаси

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши томонидан «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» ғоясини муҳасам этган мурувват тадбирлари ўтказилмоқда.

Тадбир



## КўНГИЛГА ТАШРИФ

Шундай тадбирлардан бири Нукус «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйида бўлиб ўтди.

Тадбирда Федерациянинг Қорақалпоғистон кенгаши раиси, сенатор У.Жалмонов сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда «Инсон қадрини учун» тамойили асосида амалга оширилаётган эзгу ишларга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, интернат уйларида истиқомат қилаётган болалар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатишнинг янгиланган тизимини жорий этиш орқали уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тобора кучаймоқда.

Байрам муносабати билан аёллар интернат уйига 20 миллион сўмлик совғалар топширилди.

Тадбир иштирокчиларига тақдим этилган концерт дастуридан кўнгиллар янада ёришди.

**Довуд ЕСЕМУРАТОВ**



Самарқанд вилояти

Ўзбекистон касба уюшмалари куни муносабати билан Иштихон туманидаги «Орлот» маҳалласида учрашув бўлиб ўтди. Маҳалла аҳли ва касба уюшмалари вакиллари ўртасидаги самимий мулоқотда бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ҳам ечим топилди.

## Муаммолар ечими йўлида

– Тиқиш-бичишни ўрганганман, – дейди «Орлот» маҳалласида яшовчи Умида Қувондиқова. – Шароит туфайли ишлаб олмадим. Битта тикув машинаси бўлганида ўз иқтидоримни синовдан ўтказган бўлардим.

Учрашувда Умидага ўхшаган бир неча аёллар ҳам тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш орзусида эканини билдиришди. Касба уюшмалари ва туман ҳокимлиги бу муаммага шу жойнинг ўзида ечим топди. Яъни, 5 нафар чевар хотин-қиз замонавий тикув машиналари соҳиби бўлишди. Маҳалла фаолларидан 13 нафарига совғалар топширилди.

– Халқ орасига кириб бориш, уларнинг

ҳаётий ташвишларига шерик бўлиш жамоат ташкилотимизнинг кундалик вазифасига айланган, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – Тан олиш керак, илгарилари ҳудуд раҳбарлари халқ билан юзма-юз бўлишдан ўзларини олиб қочишарди. Таклифимизга бош қўшган Иштихон тумани ҳокими Фазлиддин Рўзиев қишлоқларга, эл ичига кириб борди ва қатор масалаларни учрашувларда, хонадонларни айланишдаёқ ҳал этди.

**Нурилла ШАМСИЕВ**  
«ISHONCH»



Мулоқот

Мурувват

тубхонаси сайтига уландик. Кексалар билан ишлаш ҳодимларимиздан ишга ўта синчковлик билан ёндашувни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда бошланғич касба уюшма ташкилоти билан келишган ҳолда уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириб келяпмиз. Кейинги даврда муассасада ишлаётган ходимларнинг ойлик маошлари 1,5, кичик тиббиёт ходимларининг иш ҳақлари эса 2 баробарга оширилди.

Мавжуд имкониятларни чамалаб ўз ёрдамчи хўжалигимизни ташкил этган ҳолда, кўй, қуён, товуқ, курка, тустовуқ парваришлашни йўлга қўйганмиз. Худудимиздаги ҳар бир парча ердан оқилона фойдаланяпмиз.

Жамоамизда 102 нафар ходим меҳнат қилади. Уларнинг барча муаммоларини ҳал этишга, муносиб меҳнат шaroити яратиш беришга ҳаракат қиляпмиз. Иш унумдорлиги ҳам шунга яраша бўлмоқда.

**Сурайё ЖАВОВА,**  
Самарқанд шаҳридаги «Саховат» интернат уйи раҳбари



## Нуронийлар ҳузурда...

Муассасамизда 151 нафар турли ёшдаги кексалар ва ногиронлар истиқомат қилади. Асосий диққат эътиборни ҳар бирининг кўнглини олишга қаратамиз. Улар давлатимиз ғамхўрлигида эканини ҳар лаҳза ҳис қилишлари учун барча шароитларни яратиш беришга ҳаракат қиляпмиз.

Интернет уйида янги физиотерапия бўлими ва спорт зали барпо этилди. Кексаларни режалаштирилган тарзда жисмоний машғулотлар орқали соғломлаштиришни йўлга қўйдик. Шунингдек, кутубхонамиз фондиди янгидан-янги адабиётлар билан тўлдириб, замонавий технологияларни олиб кирдик. Ўзбекистон миллий қу-



## Фикрлашиб олинди

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳоджон Ханапиев иштирокида Андижон вилоятидаги тармоқ касба уюшмаси бошланғич ташкилотлари раислари ҳамда касба уюшма фаоллари ўртасида очик мулоқот бўлиб ўтди.

Учрашувда Фарҳоджон Ханапиев «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, ҳусусий секторларни касба уюшмаларига жалб этиш, жамоа шартномаларида соғлиқни сақлаш ходимларига берилаётган имтиёзлар ва уларга олишмай амал қилиш ҳамда касба уюшма етакчисининг ташаббускорлиги, фидойилиги ва маънавияти тўғрисида атрофлича фикр юритди. Шунингдек, тармоқдаги

ютуқлар эътироф этилган ҳолда, йўл қўйлаётган хато ва камчиликлар таҳлил қилинди. Учрашув савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Мулоқот якунида касб байрами муносабати билан бир гуруҳ касба уюшма кўмитаси раислари ҳамда фаолларига тармоқ вилоят кенгашининг фахрий ёрлиги ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**  
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Ҳамкорлик

## КАСБ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМ

Қўқон давлат педагогика институтига турли айёмлар, жумладан, касб байрамлари чоғида ҳам ходимларни рағбатлантириш одат тусига кирган. Шу асно уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, меҳнатларини эътироф этишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, «Халқаро бухгалтерлар куни» муносабати билан институт касба уюшмаси раҳбарият билан ҳамкорликда тадбир ташкил этди.

Тантанали маросимда институт ректори Д.Ходжаева сўзга чиқиб, ҳисобхона бўлимида фаолият юритаётган ходимларни касб байрами билан табриклади. Сўнгра уларга эсдалик совғалари топширилди.

**Раъно МАҲҚАМОВА**  
«ISHONCH»



# ТОҒЛАРГА ЧИҚҚАНЛАР КЎНГЛИ ТОҒДЕК ЮКСАЛАР



## Номи ҳам, ўзи ҳам гўзал



**Минчожддин  
ҲОЖИМАТОВ,**  
Республика  
Маънавият ва  
таърифат  
маркази раҳбари,  
сенатор:

– Бугун ҳар биримиз янги бир давр нафасини, фойзини, барокотини туйиб яшаймиз. Чунки давлатимиз раҳбари минг йиллардан буён аждодларимиз илгари суриб келган инсон қадрини улуғлаш, уни бахтли қилиш ғоясини амалиётга татбиқ этмоқда. Бунда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг ҳам алоҳида ўрни ва мавқеи бор.

Президентимиз байрам табригида айтганидек, ташкилот ўтган йилларда чинакам халқчил бирлашмага айланди. Айниқса, давлолаш-профилактика йўналишида касабани уюшмалари алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Чунинчиси, бир неча йиллардан буён ташкилотда байрам саналари муносабати билан оромгоҳу сихатгоҳлар қуриб, фойдаланишга топшириш аънаёнага айланди.

Нафақат кўриниши, балки номи ҳам ниҳоятда чиройли бу санаторий кўп йиллар мамлакатимиз фаровонлиги, одамларни рози қилиш йўлида хизмат қилишига тилакдошимиз.

## Ўзбекистон «Швейцарияси»га ярашган маскан



**Рустам  
КАЛОНОВ,**  
меҳнат фахрийси,  
сенатор:

– Бўстонлик тумани «Ўзбекистон Швейцарияси» дея таърифланади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у ернинг табиати, ҳавоси, иқлими ўзгача. Бундай гўзаллик, айниқса, тоза ҳаво дунёнинг камдан-кам гўшасида бор.

Бугун шу ерда гўзал сихатгоҳнинг фойдаланишига топширилиши нафақат касабани уюшмалари фаоллари ва меҳнаткашларнинг, балки Бўстонлик аҳлининг ҳам ютуғи бўлди. Чунки ушбу санаторийда чимёنликлар учун янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу наинки иш жойи, балки маданият маскани ҳамдир. Ҳали бу ерда қанчадан-қанча меҳмонлар ташириб буюришади. Илоҳим, ушбу маскан эл-юртимизнинг яхши кунларига ярасин. Бундай инициативалар сони йил сайин кўпайиб бораверсин.

<<< 1

Куни кеча эса бундай масканлар сони яна биттага кўпайди. Аниқроғи, Бўстонлик туманида муҳташам «Севарсой» санаторийси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбасари Акмал Саидов, Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаев, Республика Маънавият ва таърифат маркази раҳбари Минчожддин Ҳожиматов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, шунингдек, вазирилик ва идораларнинг масъул ходимлари, нурунийлар, маҳалла фаоллари ҳамда таниқли ижодкорлар иштирок этдилар.

Маросим аввалида Федерация раиси Қудратилла Рафиқов сўзга чиқиб, барчани, хусусан, Бўстонлик аҳлини ушбу янги иш-шоот билан муборакбод этди. Сўнгра «Севарсой» санаторийси директори Шоахрор Шомансуровга рамзий қалитни топширди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг байрам муносабати билан йўллаган табригини нафақат касабани уюшмалари аъзолари ва фаоллари, балки бутун халқимиз катта қувонч билан кутиб олди, – деди Қудратилла Рафиқов. – Кенг жамоатчиликнинг катта қизиқиши ва эътирофига сазовор бўлган ушбу табриқда тизимда олиб борилаётган ислохотлар, амалга оширилаётган ишлар юксак баҳолангани Ўзбекистон касабани уюшмалари ходимлари учун катта шарафдир.

Президентимиз касабани уюшмалари тимида шу юрт равнақи учун ўзини дахлдор



деб билган барча меҳнаткашларни кўраётганликлари эса, бизни янада ғурурлантирди. Айниқса, табриқда Юртбошимизнинг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган, инсон қадрини ва унинг шаънини улуғлашга қаратилган халқпарвар сиёсатнинг амалий ифодаси сифатида 11 ноябрь – Ўзбекистон касабани уюшмалари кунига меҳнаткашлар байрами, умумхалқ байрами мақомини бериш ва ушбу кунни дам олиш кунини деб белгилашни тақдир этгани нафақат касабани уюшмалари аъзолари, балки бутун халқимиз руҳиятини кўтарди.

Тарихий тақдирини катта хурсандчилик билан қабул қилар эканмиз, салкам 6 миллионлик аъзоларимиз номидан давлатимиз раҳбарига алоҳида эътибори ва ғамхўрликлари учун чуқур эътиромимиз ҳамда миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодий туризм энг истиқболли соҳалардан бири ҳисобланади ва бу йўлда бугун кўплаб дам олиш ва соғлиқни тиклаш масканларимиз хорижий меҳмонларга ҳам муносиб хизмат қилиб келмоқда. «Мерсиан», «Ботаника», «Турон», «Зомин» каби санаторийлар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг «Туризм – бу ҳам инвестиция, ҳам экспорт, ҳам янги иш ўринлари ва камбағалликни қисқартириш дегани. Шунинг учун ҳар бир ҳудудда бу соҳага жиддий эътибор қаратиб, кўпроқ сайёҳларни жалб этиш керак» деган кўрсатмалари асосида бетакрор Чимён ҳудудида қад ростлаган «Севарсой» кошонаси нафақат юртимиз аҳолиси, балки хорижий давлатлар фуқаролари учун мамлакатимиз тарихида янги турдаги санатор-курорт бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Янги санаторий денгиз сатҳидан 1600 метр баланглида (Ғарбий Тяньшан тоғи ва Қоржонтовнинг пастки қисмида) ҳам киши, ҳам ёзи тоғ-иқлимий курорт сифатида барпо этилди.

Умумий ҳудуди 6 гектар бўлган 6 қаватли санаторийда барча қулайликларга эга 68 та стандарт, 2 та люкс ва 8 та ярим-люкс, тузли ғор ҳамда массаж хоналари, замонавий бассейн ва СПА комплекси, шунингдек, маҳаллий ва хорижий меҳмонлар учун семинар ва тадбирлар ўтказишга мўлжалланган замонавий конференция зали ҳам мавжуд. Қурилишга уч йилдан ортиқ вақт сарфланди.

Сихатгоҳ нафақат нафас олиш тизими касалликлари, балки асаб, аллергия касалликлари ва юрак қон-томир ишемиyasi бўлган беморлар учун ҳам фойдали ҳисобланади.

Санатор-курортда бир вақтнинг ўзида 200 нафар дам олувчи махсус тайёргарликдан ўтган юқори малакали мутахассислар хизмат кўрсатади. «Севарсой»нинг ишга туширилиши юздан ортиқ янги иш ўрни яратилиши билан ҳам аҳамиятлидир.


Маросим чоғи қурилиш жараёнида фидойилик кўрсатган бир гуруҳ қурувчилар меҳнати эътироф этилиб, уларга Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси томонидан зарбоф тўнлар кийдирилди.

Тадбирга санъат усталари дилрабо куй-қўшиқлари билан янада фойз киритдилар.

**Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ**  
«ISHONCH»



## Эзгу ишларнинг мантиқий давоми



**Акмал САИДОВ,**  
Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатаси  
Спикерининг  
биринчи  
ўринбасари,  
академик:

– Давлатимиз раҳбарининг касабани уюшмалари кунини муносабати билан йўллаган табригини шахсан мен Янги Ўзбекистоннинг янги касабани уюшмалари эътирофи ва таърифи деб қабул қилдим. Ушбу иқдоримни қўйидагича изоҳласам: табриқ изчил, ҳаққоний ва нафақат қилинган ишларнинг эътирофи, балки олдинда турган вазифаларни белгилаб бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, касабани уюшмалари бугун жамиятнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этмоқда. Бунда ташкилот раисининг ҳиссаси катта, албатта. Тизимда у киши бошчилигида олиб борилаётган қурилиш-бунёдкорлик, ижтимоий-сиёсий йўналишларда қилинган ишларни санаб сановига етолмаймиз. Бугун гувоҳи бўлиб турганимиз «Севарсой» сихатгоҳи ҳам ана шу эзгу ва савобли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон касабани уюшмаларига, меҳнаткашларга яна бир муҳташам кошона муборак бўлсин! Ушбу сихатгоҳ кўп йиллар халқимизга хизмат қилсин!

## Гўёки узукка кўз қўйгандек...



**Эсонбой  
РАЖАБОВ,**  
касбани уюшмалари  
фахрийси:

– Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр мобайнида касабани уюшмалари жуда катта ишларни амалга оширишга улгурди. Бу Янги Ўзбекистоннинг янги касабани уюшмаларининг қутлуғ қадами десам, янглишмаган бўламан. Масалан, давлат раҳбарининг таърифига биноан, касабани уюшмалари масъуллари олис ҳудудларда хонадонма-хонадон юриб, хотин-қизларнинг ижтимоий аҳолини ўрганишди. Шу асно қанчадан-қанча кам таъминланган оилаларга қувонч олиб киришди. Бу жараёнларда ўзим ҳам бевосита иштирок этдим. Ана уша вақтда касабани уюшмалари оддий одамларнинг маслақдошига айланганига, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга бел боғлаганига шахсан гувоҳ бўлдим.

Федерация ташаббуси билан қурилган янги сихатгоҳни кўздан кечириштириб, қойил қолдим. Таъбир жоиз бўлса, санаторий шу жойга узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди. Ва ишончим комилки, «Севарсой» дунёнинг манаман деган замонавий сихатгоҳлари билан бемалол беллаша олади.

